

Онага яхшилик



08:00 / 30.01.2021 1678

Муҳаммад ибн Амр ибн Ҳарб айтади: «Асҳобларимиздан баъзилари Ибн Авн ҳақида шундай дейишди: «Онаси уни чақирган эди, у жавоб берди. Бироқ унинг овози онасининг овозидан баландроқ чиқиб кетди, шунинг учун бунинг каффоротига иккита қулни озод қилди».

Қайтгунимгача ҳеч кимга қарамадим

Абу Ҳаким айтади: «Ҳассон, яъни Ибн Абу Синон ҳайит куни кўчага чиқиб келди. Қайтганида аёли унга: «Бугун нечта чиройли аёлни кўрдингиз? Кўпми?» деди. У шундай деди: «Барака топкур, сенинг олдиндан чиққанимдан то қайтгунимча фақат бошмалдоғимга қарадим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан